

Биз мусулмонларда ўлганда аза килмок надур?!
Жидду жахд ила дейингизлар, можаро килмок надур?!

Аввалги мисрадан жавоб махфий колмасинки, бу ерда азо лафзидан истилохий маъноси муроддир. Чунончи, замона ахли билади: Ахли ислом ва ахли иймондан бир киши ўлса, унинг хурматдошлиги учун уч кунгача аза тутмок, башарти жоҳилият расму русумларини тутмасдан аза тутмок эркакларга жоиздир. Шу сабабданки, унинг жойи Ислом намозгохидан бўшади, баракат ва хайрлари тугади, анвойи ибодатлари вужуд олаmidан кўтарилди, номаи аъмоли ёпилди. Унинг рехлати сабабли мусулмонлар ададига нуксон етди. Шу сабабдан махзун ва гамнок бўлишликка рухсат бор, албатта. Чунончи, “Канз ул-ибод”да шундок дейилган. Бу хилдаги хафагарчилик макталгандир. Зеро, бу ҳақдаги асарлар ва хабарлар шунга далолат килгусидир.

Агар шу тариқада масжидда ёки бир жойда ўтирсалар рухсатлар бор. Чунки, Ҳазрати Пайгамбар алайҳиссалом Жаъфар ибн Абу Толиб, Абдуллох ибн Равоха, Зайд ибн Хориса каби саҳобаларнинг шаҳид бўлгани хабари етганда, масжидга бориб кайгуга чўмиб ўтирдилар. Халк Пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга таъзия билдириш учун келар эдилар. Бу ҳақда “Шарҳи Сафар ас-саодат”да Муҳаддис Абдулҳакк Дехлавий тўхталганлар.

Аммо, эшик олдида ўтирмок, кўчаларда саф боғлаб турмок жоҳилият русумларидан бўлиб, манхийъанхудар, ундан кайтарилгандир. “Ажойиб ул-муҳиммот”да бу хилдаги ишларни акбахи кабойих, кабиҳликларнинг энг кабиҳи тарзида зикр килинган. Хуллас, маййит азаси учун мункар ишларни килмасдан, бидъатларга йўл кўймасдан ўтирмок мамнуъ эмасдир.

Аммо, афсуски, расму русум балосига ҳамма мубталодир, ёйилган бидъатларга гирифтор.

Билмок керакки, мусибат етган кишиларга таъзия билдирмок, тасаллий бермок Ислом ҳуқуқлари жумласидандир, бу суннат эрур. “Ширъат ул-ислом” да келтирилган ҳадиси шарифда:

«كُلُّكُمْ رَاعٍ فِي كَلْبِهِ وَنَحْلِهِ وَبِأَهْلِهِ وَبِمَالِهِ»

“Кимки мусибат етган дамга таъзия билдирса, унинг савоби каби савобга нойил бўлур”.

“Канз ул-ибод”да эса мана бу ҳадис зикр этилган:

«كُلُّكُمْ رَاعٍ فِي كَلْبِهِ وَنَحْلِهِ وَبِأَهْلِهِ وَبِمَالِهِ»

“Мусулмоннинг бошқа мусулмон тепасидаги ҳакки унга бир мусибат етган вақтда унга таъзия билдирмокдир”.

Таъзиянинг маъноси эса мусибатзада кишига тасаллий бермок, уни сабрга чорламокдир. Унга яхши панд-насихатлар килиб, бу хусусда собит бўлган улуг ажру савоблар ваъдасини билдирмокдир. Чунончи, ояти карима:

«يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا بَلَغَتِ الْمَوْتُ فَادْعُوا أَوْلِيَاءَكُمْ وَابْنَكُمْ وَأَخِيَّكُمْ»

“Шак йўкки, сабрлиларга ажру савоблари ҳисобсиз тўла ва мукамал берилур”.

Бунга ўхшаш оят ва ҳадиси шарифларда баён килинган хикматлардан айтиб, уни сабрлирок бўлишга даъват этгай. Энг яхшиси, Ҳазрати Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламнинг Муоз ибн Жабал разийаллоху анхунинг ўгли вафот этганда юборган таъзияномаларидир. Унинг умумий мазмуни бундай:

«يَا أَيُّهَا الْمُسْلِمُونَ إِنَّ الْمُسْلِمَ إِذَا مَاتَ وَجَدَ نَفْسَهُ فِي كَلْبِهِ وَنَحْلِهِ وَبِأَهْلِهِ وَبِمَالِهِ»

.0000000000 00000000 000 00000000 000000 00000 00000 00 000000000 000000000 00000000
0000 000000 00 0000 000 000 000000 0000 000 0000000 0000 0000000 0000 000 000 000000
0000 000 000000 000 000 00000 00 000000 00000 00 00 00000 00 0000000000 00000000 00000000
0000 000000 000000 00000000 00000 000000 00000000 00000 00 0000 00 00000 00000 00000 000000
00000000 .00000000

“Меҳрбон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман. Аллоҳнинг элчиси Муҳаммаддан Муоз ибн Жабалга. Саломун алайка!

Аммо баъд: Албатта бизнинг молларимиз, болаларимиз, ахлларимиз Аллоҳ таолонинг кутловли ҳадияларидан ва омонат қўйилган нарсаларидандир. Улардан биз маълум кунларгача фойдаланиб турамыз. Сўнг эса маълум муддатда уларни қайтиб олади. Ўглинг ҳам Аллоҳнинг бахтиёр ҳадияларидан ва омонат қўйган нарсаларидан эди. Сен ундан шодлик ва хусни ҳол ила баҳраманд бўлдинг. Сўнг уни ажру ҳасаналар билан олиб қўйилди. Бас, шундай экан, сабрсизлик килма! Сенинг сабрсизлигинг, бетокатлигинг савобингни кетказиб қўяди. Агар сен мусибатинг савобини билганда эдинг, сенинг мусибатинг кичиклигини кўрар эдинг. Аллоҳнинг ваъдаларини сабр билан тугатар эдинг, қарши олар эдинг. Вассалом!”.

“Ихё ал-улум ад-дин”да Хужжат ул-ислом ҳазратлари шундай ривоят қиладиларки, Ҳазрати Аббос разийаллоҳу анҳу вафот қилганларида, бир аъробий унинг ўғиллари, яъни Абдуллоҳнинг ёнига таъзия учун келди ва бу китъани ўқиди:

000000 00000000 00 00000 00000
000000 0000 000 00000000 0000
00000 00000 00000000 00 0000
00000000 0000 0000 00000000

Бу байтнинг маъноси шуки, сен эй Абдуллоҳ, сабр қилгил. Токи бизлар ҳам сендан ибрат олиб, собир бўлайлик. Бас, шак йўкки, раиянинг сабр қилмоғи катта ва бош бўлгувчи кишининг сабр қилмоғи сўнгидан бўлур. Сенга Аббосдан кўра яхшироқдур, унинг, яъни мусибатнинг кетидан келадиган ажру савоблар. Аллоҳ таоло эса сендан кўра Аббосга яхшироқ ва меҳрбонроқдир.

Шундан сўнг Ҳазрати Ибн Аббос разийаллоҳу анҳу деган эдилар: “Ҳеч ким менга мана бу аъробийдан кўра яхшироқ таъзия билдирмади”.

Савол байтларининг матлаъсининг иккинчи мисраси: “Жидду жаҳд ила дейингизлар, можаро қилмок надур?!” бўлиб, унинг жавоби ушбудир:

“Убудият иктизоси истибор эрур”, яъни, бандалик мақомига муносиб амал гоят сабру қарор қилмокдир. Шундайки, ботинда ҳеч бир қарихлик, изтироб пайдо бўлмасин, зохирда эса бетокатлик асари сезилмасин. Камоли ризодан банданинг пешонаси тиришгани ҳеч бир ҳолатда билинмасин. Чунки, шикоят, кўркинч, бесабрлик бандалик иддиъосига зиддир.

Факих Абул Лайс раҳматуллоҳи алайҳи ўзининг “Танбиҳ ул-гофилин” асарларида Ибн Аббос разийаллоҳу анҳудан ривоят қилишича, Аллоҳ таоло энг аввал лавҳ ул-махфузида ёзган нарса бундай бўлган:

00000 000000 0000 00000 00000000 00000000 00 .000000 000000 0000 0000 0000 00 00000 0000 0000
00000 0000 00000000 00000000 00 0000 0000000000 00 0000000000 0000 00000000 00000000 000000 0000000000
0000000 00000 00000000 0000000000 00000 0000 0000000 0000

“Шак йўкки, албатта мен илоҳман! Мендан ўзга илоҳ йўк! Муҳаммад эса менинг расулимдир! Кимки менинг қазойимга таслим бўлса, балойимга сабр қилса, неъматларимга шукр қилса, уни сиддик деб ёзаман ва қиёмат кунида сиддиқлар билан

бирга тирилтираман. Кимки казойимга таслим бўлмаса, балойимга сабр килмаса, неъматларимга шукр келтирмаса, мендан бошка илохни тутсин”.

Бошка ривоятда: “Мендан бошка Раббни кидирсин ва менинг осмоним остидан чикиб кетсин”, деб келтирилган.

Истисломнинг маъноси таслим бўлмок, Аллох таолонинг казосига ва ҳукмига бўйин сунмокдир. Шикоят ва бесабрлик натижаси ажрнинг кетиши, савобдан махрум қолишдир.

Абдуллох ибн Муборак Марвазий айтадилар: “Мусибат ўзи биргинадир. Хар қачон банда шикоят ва бесабрликка мубтало бўлса, мусибати икки ҳисса бўлур”. Яъни, мусибатга бериладиган ажру савоб ҳам қўлдан кетади. Бундай махрумликнинг ўзи катта мусибатдир.

“Тарикаи Мухаммадия”да Имом Табаронийдан ривоят келтирилган. Ибн Аббос разийаллоху анхумо айтадилар: “Бир кимсанинг моли ёки ўзига мусибат етса, бас, ўша кимса уни ўзгалардан яширса, ҳеч кимга шикоят қилмаса, шу кишининг Аллох таолога ҳаққи бордурки, уни мағфират айласин”.

Яна “Мишкот ул-масобих”да “Маййитга йиглаш бобида” Анас разийаллоху анхундан ривоят келтирилган: Ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам кетаётса, бир хотин қабр олдида йиглаб ўтирган экан. Унга: “Аллох таолодан кўркчил ва сабр қилчил!” дедилар. У хотин Ҳазратни танимасдан: “Мендан йирок бўл. Менга етган мусибатни сен қаердан билар эдинг” деди. Унга бу насиҳат қилган зотнинг қимлигини айтдилар. У хотин пушаймон бўлиб, саодат эшиги, қаромат оstonасига бош уриб келди, узр баён қилди. Унга энди узр айтишдан нима фойда, асл ҳақиқат будир:

□□□□□□ □□□□□□ □□□ □□□□□□ □□□□

Яъни, сабрнинг энг мўътабар ва мақбули, унга ажру савоб бериладигани мусибатнинг аввал қелишида, биринчи зарбада, зўрлиги вақтида бўлганидир. Ишнинг охирида чор-ночор сабр қилишнинг нола тўфони, охнинг шуъласи пасайган пайтда бўлишининг фойдаси йўқ.

Яна ўша китобда Абу Усома разийаллоху анхумодан ривоят қилган. Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам деганлар: Аллох таоло айтур: “Эй Одам фарзанди, агар сабр қилсанг, мусибат аввалида ўзингни савоб умидида гайри машруъ амаллардан ва номақбул сўзлардан сакласанг, сен учун жаннатдан бошка савобга рози эмасман!”.

Бас, шундай экан, бандалик мақомида сабру таслим ва ризодан ўзга чора йўқдир. Бунга иймон ва ихтисоб (ихлос) вожибдир. Токи: “Албатта Аллох сабрлилар билан биргадир” ояти қаримасининг ҳукми билан биргалик мартабасига мушарраф бўлгай. Мусибат етган кишига: “Инна лиллахи ва инна илайхи рожиъун” деб истиржоъ айтмоклик суннатдир. Яна “Ло хавла ва ло қуввату илло биллохил ъалийийил ъазим” қалимасини кўп айтгай. Шунда у ажру савобга нойил бўлгай, Аллох таоло унга мусибат ишини осон қилиб, сабру сабот бергай. “Ширъа” ва унинг шарҳларида шу тариқа қилган.

Аммо, фақат кўздан ёш окмоклик, махзун бўлиш раҳмат ва шафқат аломати бўлиб, мамнуъ ва мазмум эмас. Яъни, қайтарилган ва ёмонланган эмас. Бу бобда ҳадиси шарифлар кўпдир. Ҳадис имомлари уларнинг саҳихлигига иттифок ҳам қилганлар. Шу жумладан, Анас разийаллоху анхунинг ривояти ҳам бор. Ҳазрати Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг дилбанд фарзандлари Саййид Иброҳим вафот қилган вақтда ул Ҳазратнинг муборак кўзларидан ёш окди. Саҳобийлардан Абдуррахмон ибн Авф буни кўриб: “Ё Расулуллох, сиз ҳам мусибатдан йиглайсизми!?” деди. Шунда унга дедилар: “Бу раҳмат асаридир”, дедилар-да, марҳамат қилдилар:

“Албатта кўз ёшланади, калб эса махзун бўлади. Факат Парвардигоримиз рози бўладиган сўзларнигина айтамиз. Биз, эй Иброхим, сенинг фирокингга махзунмиз!”. Шунингдек, Усома ибн Зайд ва Абдуллох ибн Умар разийаллоху анхумлардан килинган ривоятлар ҳам шу маънодадир. Хадис ва фикх уламолари уларни ҳам кўп марта зикр қилганлар. Бу ерда мана шунчаси кифоя қилади.

Соч ёзиб, ўздин кетиб, кўкка етуруб навхалар,
Садр айлаб, “хой-хуй” бирла наво килмок надур?

Сочни ёзиб юбормок, уни юзга тушириб кўймок, сочларни юлмок, юзларни тирнамок, кўкракка, тиззага шаппатиламок, ёкани йиртмок, юзни кора килмок – бунга ўхшаш бўлмагур амаллар, кабиҳ одатларнинг барчаси залолатга кетган умматлар, жохилларнинг расму русумлари бўлиб, шаръи шариф ва дини латиф ҳукмига кўра харом ва огир гуноҳдир. Бундай киликларни факатгина хакикий нодонлар, хакконий жохилларгина қиладилар. “Мишкот ул-масобих”да Абдуллох ибн Масъуддан бир ривоят келган. Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам бундай демишлар:

“Мусибат етган вақтда юзга урадиган, ёкаларини йиртадиган, жохилият сўзларини айтиб нола қиладиган кимса бизлардан эмасдир!”

Юкоридаги хадиснинг саҳихлиги иттифоқийдир. Яна Абу Мусо Ашъарий разийаллоху анхундан ривоят қилинади. Расул алайхиссалом бундай деган эканлар:

“Яъни, мусибатда сочини юладиган, навха билан овозини баланд кўтарадиган, ёкасини пора-пора қиладиган кимсадан мен безорман!

Баъзилар “солака”ни юзга урмок, деб маъно бермишлар.

“Шархи Сафар ас-саодат”да Мухаддис Абдулхакк Дехлавий ҳам шу тарзда келтирганлар. Имом Суютий “Жомий ус-сагир”да Имом ал-Бухорийнинг “Китоб ал-адаб ал-муфрад”ларидан ривоят қилурларки, Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам деганлар:

“Яъни, жаҳолат ва залолат кунларидаги мункарот дарахти шохларидан икки шох қолгандир. Уларни умматим ҳам тарк қилолмас. Унинг бириси, ўликка йигламок ва зорий қилмок бўлса, яна бири, насабларга таъна қилмокдир.

“Тарикаи Мухаммадия”да ҳам шу маънодаги хадис ривоят қилинган.

Юзни кора қилмок шариатда суратни ўзгартирмокдир. Бу мутлақо жоиз эмас. Муслага (асл яратилишни ўзгартиришга) ўхшаш бўлиб қолади. Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам аксар хутбаларида одамларни мусла қилишдан қайтарган, жохилият амаллари дер эдилар.

Ахар бир аклли, бошида хуши бор одам биладики, бу каби ишлар энг кабиҳ амаллар, шариатни менсимайдиганлар қилиги, факатгина мажнун-девоналар қилмишидир. Бунинг натижаси, самараси савоб ва ажрни йўқотиш, казойи илоҳига норози бўлиш, Худо яратган суратни ўзгартириш, Малик ва Ваххобнинг газаби ва кахрига мубтало бўлишдир.

“Сизни кўп кўрди Худойим...”, деб хотунлар йиглашиб,
“Бор ишонган тоғим эрдинг...”, деб бино килмок надур?

Бу сўз, яъни, буни Худо кўп кўрди, деб йигламок залолати махза ва жаҳолати ботилдир. Чунки, бундай дейишлик Борий таоло ва такаддас, ʔазза шаънуху ва жалла султонухунинг хазрати покига хасад сифатини итлок килмок ва жаноби кудсийга бу замимаи раддийани нисбат килмокдир. Бунинг ёмонлиги барчага маълум, кабохати жумлага равшан бўлса керак. Бунака беҳуда гапларни гапирмокдан сакланмок барчага вожибдир. Бошқаларни ҳам бундай нарсалардан манъ килмок, айтгувчини тавба ва истигфорга буюрмок лозим. Аллохнинг ўзи асрасин!

Фикх китобларининг “Алфози куфр” бобларида аза вақтида юкоридаги сўзларга ўхшаш нарсаларни айтмокнинг овибати хакида батафсил сўз юритилган. “Суянган тоғим эдинг”, “Ишонган богим эдинг” каби маййитга нисбатан айтиладиган гап-сўзларнинг ҳам асли ботил бўлиб, бузук акидадан дарак беради. Бундай гаплардан гўё айтгувчининг бор-йўк кулли эътимоди ўша ўлиб кетганга экан.

“Мишкот ул-масобих”да Имом Термизийнинг Абу Мусо Ашъарий разийаллоху анхудан килган ривоятлари келтирилади. Пайгамбар алайхиссаломнинг бундай деганларини эшитдим, дейдилар: “Қачонки, маййитнинг ўлганидан сўнг изидан колган одамлари “Вой тоғим...”, “Вой саййидим...” ва бунга ўхшаш сўзларни айтиб йиглашар экан, Аллох таоло икки фариштани муаккал, вакил килгай. У икки фаришта ўша ўликнинг кўкрагига таънаю дашномлар билан ургайлар. “Сен шундай эдингми?”, яъни, уларнинг суянган тоғлари эдингми, фалон-фалонлари эдингми?, деб азоб бергайлар.

“Таълик алмумажжад шархи Муваттои Имом Мухаммад” асарида Абу Мусо Ашъарий разийаллоху анхудан хадис келтирган. Буни Имом Ахмад ҳам марфуъ хадис тарзида ривоят килган. Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам айтурлар: “Маййит тирикнинг унга йигламоги билан азоб килинур. Қачонки, навхагар, йиглагувчи: “Во ʔазудох! Во носирох!” деб, яъни, “Вой менинг кувват берувчим! Вой менинг ёрдамчим!” (“Белимнинг куввати, кўзимнинг нури”), каби сўзлар айтиб йигласа, ўликни тортиб, тирилтиргайлар ва “Сен унинг кувват берувчисимсан, нусрат берувчиси эдингми?!“ дея азоб бергайлар.

Хуллас, юкоридаги каби сўзлардан ўликка бир навъи азоб ва зажрлар бўлар экан. Демак, унга кўп йигламок дўстлик эмас, балки душманлик бўлади.

Яна “Мишкот ул-масобих”да Мугира ибн Шуъба разийаллоху анхудан ривоят келган. Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам демишлар:

□□□□□□ □□ □□□□ □□ □□ □□□□ □□□□ □□□□ □□ □□

“Кимгаки ўлганида йигланса, бас, у киёмат кунида ўша йигланган нарсаси сабабли азобланур”. Бу хадиснинг исноди саҳихлигига иттифок килинган.

Неча хотун-киз кўрунг, ташлаб тобутга ўзларин,
“Кош, ман ўлсам!”, деб анга жон фидо килмок надур?

Ушбу тўртинчи байт ҳам юкорида ёзилган сўзлар каби беҳуда ва жоҳилиятнинг энг ботил амалларидандир. Зеро, умр ва ажал мукаддара, яъни ўлчаб берилгандир. То ажали етмагунча ҳеч ким ўлмайди. Мухлати етгандан сўнг эса бир муддат ҳам, бир сония ҳам кечиктирилмайди. Бунга Аллох таолонинг мана бу ояти катъий далилдир:

□□□□□□□□ □□ □□□□ □□□□□□□□ □□ □□□□□ □□ □□□

“Качонки уларнинг ажаллари келса, бир лахза ҳам кечиктирмайдилар, илгари ҳам килмайдилар”.

Чикса эркаклар ўлукни кўтариб тобутини,
Эргашиб, кочмай хотунлар оху во килмок надур?

Ушбу бешинчи байтнинг мазмуни шуки, унда эркаклар ўликни уйдан чиқариб кетаётганларида, киз ва хотинлар бошларини очиб, эркакларга аралашиб, карсак чалиб, бакириб йиглаб, ажнабий ва номахрамлардан кочмай ох-воҳ килганлари сўралмокда. Бунга жавоб: Бу ишлар хаммаси гуноҳ. Шаръи шариф ва дини латиф ҳукмига кўра ҳаром ва саййиот жумласидандир. Хотинлар ўзларини номахрамлардан, бегоналардан сатр килмоғи фарз бўлиб, уни тарк қилиш билан осия, гуноҳкор бўлурлар. Ҳамда шарм-ҳаё сифатларидан айрилиб, узоклашиб, беҳаё-бешарм бўлгайлар. Бу мункир ишни килганлари учун эса мустаҳиқи газаб ва укубат бўлурлар. Эркаклар ҳам ниҳоятда эҳтиёт бўлиб, бундай вақтда аёлларни тартибга чакириб, хотинлар билан эркакларнинг аралашиб кетишига йўл қўймасликлари, ўлик эгаси ва зарурий кимсалар ўликни олиб чиқкайлар. Ҳамма ўликни кўтариб чиқишга ўлик ётган жойга қиравермагайлар.

Яъни, ким ўлса, ани отин етаклаб кабрига,
Укки пардин отни бошига жига килмок надур?

Мазкур олтинчи байтда баён бўлган иш, яъни, отнинг бошига жига такиб, кабристонга етаклаб олиб бориш ҳам бўлмагур расмлардандир. Жаҳолатнинг юксаклиги, аҳмокликнинг бениҳоялиги шунга далолат қилади.

Уч кун ўтмасдин хотун-кизлар либосин бошқалар,
Йил-ўн икки ой қийим-бошни каро килмок надур?

Уч кун ўтар-ўтмас киз-хотинлар либосларини ўзгартириб, узок муддатлар бош-оёқ қора қийиб ёки бошқа бир хил рангдаги қийимлар қийиб юрадилар. Бу нарса Шориъ алайҳиссалом, яъни, Жаноби Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан қатъий қайтарилган ҳаром ишдир. Факатгина хотин киши эри ўлгандан сўнг иддаси ўтгунча зийнатларини тарк қилиб, улуг неъматдан айрилиб қолганига аза тутиб ўтиради, ҳолос. Ҳушбўйлик ҳам ишлатмайди.

“Мувааттои Имом Молик”да ривоят қилинишича, Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар:

«...»

Ҳадисда келган “ихдод” маъноси зийнатланиш ва ҳушбўй атирлар сепишни тарк қилишдир. Хотин киши эри ўлганида никоҳ неъматининг завоқ бўлганлиги учун ўзига зийнат бермасдан, ҳушбўйликларни истеъмол қилмасдан иддага ўтиришидир.

Мазкур ҳадиси шарифнинг маъноси шуки, Худой таолога иймон келтирган, қиёмат қунига ишонган хотинга уч кундан ортиқ аза тутмок ва тарқи зийнат қилмок ҳалол эмас. Яъни, мўъмина бўлиб туриб ҳам бу ишни қилмоғи ҳаромдир. Факатгина эри учун унинг ўлганида иддаи мавт ўтгунча тарқи зийнат қилиб, ҳушбўйликларни истеъмол қилмасдан, гулли ва рангин либослар қиймасдан ўтириши лозимдир.

Аммо, хотин киши ҳақида ҳам бунга тақаллуф қилиб, тағйири либос билан бош-оёқ каро

киймак шариат китобларида йўк, бу жоҳилият замонларидан колган одатдир. Хотиндан бошка кишига, хох ота-онаси бўлсин, хох ога-иниси бўлсин, хох фарзандлари-ю амма холалари бўлсин, хох кавму кариндоши бўлсин, уч кундан ортик аза тутмок, тарки зийнат килиб ўтирмак, хушбўйликлардан, атир-упалардан ўзини тортиб ўтирмак шариатга хилофдир. Яна тағйири либос килиб, кора кийиб ўтириши мутлако мамнуъдир. Шунингдек, “ад-Дурар”нинг хошияси “ал-Гурар”да келганки, мункар ишларни, бидъатларни килмасдан уч кунгача аза тутмокка хадис китобларида рухсат борлиги зохир бўлади. Аммо, факихлар, хусусан, мутааххирийн уламолар хадиси шарифларни ўрганиб чикиб, аза тутмагани маъкулрок, дейдилар. Бирок, аходиси шарифаларда Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг Жъфар ибн Абу Толиб, Зайд ибн Хориса, Абдуллох ибн Равохалар вафот килганларида масжидда ўтирганлари, одамлар ул зотга таъзия билдирганлари зикр этилган. Ибн Обидийн раҳимахуллох “Радд ул-мухтор”да Жаноби Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг масжидда ўтирганларидан максад ва муддао таъзия учун эмас эди, дейди ва масжидда таъзия учун ўтирмак макрухдир, деган. Энг яхшиси шуки, дафндан сўнг хар ким уйига кетгай. Ўлик эгаси хам ўз иши билан машгул бўлгай. Мутааххирийн уламоларнинг далиллари мусибатни яшириш ҳақидаги хадисдир. Имом Суютий хазратлари “Жомиъ ус-сагир”да ривоят килади:

«.....»

Яъни, банда мусибатларини, касалликларини, килган садакаларини бошкалардан яшириши ва махфий тутиши яхшилик ҳазиналари жумласидандир. Булар бир гўзал жавахирлар бўлиб, Аллох таолонинг олдига нафис захиралар каби бориб туради. Бу банданинг Аллох таолога нисбатан камоли ихлоси ва хусни адабидир. Бу сидк макомидаги иш бўлиб, сиддиклар аломатидир.

Садрму яхши ва ё ҳаккига Куръон ўқимок?!
Мунча бидъатларга ўзни мубтало килмок надур?

Бу садрдан мурод жоҳилиятдан колган амаллардан бири бўлиб, навхагар, йиглоки хотинлар айланиб, кичкириб айтимлар айтиб йиглайдилар. Бу замонамизда хам таркалган одатлардандир. Баъзи эркаклар хам чакириб-бакириб, айланиб, ўликнинг таъриф ва тавсифини килиб, хар хил байтлар ўкиб, вовайло килурлар. Жоҳилият айтимларини айтиб чакирувчи киши ҳақидаги хадис ўшалар ҳақидадир. Бу иш ва килмишлар ниҳоят даражада кораланган, шариат ҳукми билан каттик манъ килинган. Навха килувчининг ўзи, унинг атрофида туриб, розичилик билан эшитгувчилар лаънатга сазовор, укубатга гирифтордирлар. Хабарда бундай келган:

«.....»

“Ширъа”да келган ушбу хабарнинг маъноси будир: “Албатта овоз чикариб, кичкириб йиглаш жоҳилият одатларидандир. Йиги мажлисларига ҳозир бўлманглар, уларни эшитманглар хам. Бас, шак йўкки, йиглагувчи хотин ва уни эшитгувчи лаънатдадирлар”. Имом Муновийнинг “Кунуз ул-хакоик” асарида келган:

«.....»

“Йиглагувчи хотин уйдан чикканидан то кайтиб келгунича лаънат килингандир”. Аммо, Куръон ўқимок, садака бермок ва унинг савобини ўлганга ҳадия килмок шаръий иш ва маъкул, мустахсан амалдир. Шариатнинг улуг олимларидан накл килинганки, бу

амалларнинг савоб ва самараси ўлиққа манфаатли ва фойдалидир. Уларнинг мухтожлик вақтида, ғарибликларида фойда етказиш, эхсон қилиш, дуои фотиҳа ва садақалар билан ёрдам бериш яхши, макталган ишдир. Азобнинг енгиллашишига, савобларнинг қўпайишишига сабаб бўлади. “Ўз гуноҳинг учун ҳам, мўъмину мўъминалар гуноҳи учун ҳам истиғфор айтгин!” амрига дохил бўлади. Ўлиқлар учун садақалар бермоқ ҳақида келган ҳадиси шарифлар ниҳоятда қўп. Шох Рафиъ уд-дин муҳаддис Дехлавий “Ажойиб ул-муҳиммот”нинг дуо ва садақа фаслида бунинг манфаати қўп эканлиги борасида муфассал баён қилинган.

Аммо, бу ерда икки нозик жихат ҳам бор. Қуръон ўқитмоқ учун аввалги уч кун ичида жамият ҳосил қилиб, зиёфатлар, дастурхонлар ташкил қилиш макруҳдир. Ёки қабр бошига дастурхонлар қилиб, қориларни жамъ қилиб Қуръон ўқитсалар ҳам макруҳдир. Агар меросхўрлари ичида сағирлари бўлса, қолдирилган молдан шу тариқа садақа ва хайротлар қилиш асло жоиз эмас. Агар қатталар ўз улушларидан садақалар қилса, ҳеч зарари йўқ.

Бас, йигирма, қирқ йил ошига ер мулкин сотиб,
Бору йўқдин ажраб, ўзни мосиво қилмоқ надур?
Яъни, бир мискин ўлуқига кетар бир қанча пул,
Ўлгани етмазми, ортукча жафо қилмоқ надур?

Мазкур икки байтдаги ҳолатлар – ярамас одатлар, аччиқ бидъатлар бўлиб, бу муслмон халқи унга мубатлодирлар.

Ажабо, фаразан, юз тарқи фарз бўлса, юз тарқи вожиб бўлса, ҳеч қимнинг қами йўқдир! Парволарига ҳам қелмайди! Аммо, шу номуборақ одатдан, шум бидъатдан бирон-бир нарсаси тарқ бўлса, қаттиқ уётга қолгандек бўладилар. Ўзларича қору номусга қоладилар. Бу ишлар жоҳилиятдан қолган расм-русумлардир. Фарз қилинган закотларини, қожиб бўлган садақаларни ҳеч қачон тўла ва муқаммал адо қилмаслар, аммо, бундай номашруъ ишларни адо қилишдан, исрофларга йўл қўйишдан ўзларини тўхтата олмаслар.

Исрофга йўл қўймаслик ҳақида, меросхўрлар орасида сағирлар бўлса, уларнинг улушига ҳиёнат қилмаслик тўғрисида гап қетганда, фикх қитобларимизда қелтирилган бир масъалага диққат қаратиш лозим. Қассол ўлиқни, маййитни юваётганда бир қунги билан унинг авратини ёпиш учун, қиндиги остидан тизза остига етадиган мато билан ёпиб ювиш қирқ этилади. Бироқ, маййитнинг меросхўрлари орасида сағир-етим бор бўлса, аврати қализасини, қўпол аъзосини ёпиши қифоя қилади, дейилади. Бу ўша сағир қолига, улушига эҳтиётқорлик билан қилинган муомаладир.

Навбаҳор ўлса, қизил, оқ қул қўтариб қабрига,
Тўрт тарафга санқибон саҳву ҳато қилмоқ надур?

Мавлавий Абдулхайй Лақнавий ўз қатоволарида мазкур байтдаги масъала борасида ҳам сўз қуритган. Унда яшил барғ, ёки қул ёки буларга ўхшаш нарсаларни қабрга қўймоқ суннатми ёки мустаҳабми, деган савол ўртага ташланган. Унга мусанниф бундай жавоб берган: Қуқоҳолардан баъзилари бу ишларни мустаҳаб деб ёзганлар. Шу далил биланки, Қайғамбар алайҳиссалом икки қабр олдидан ўтдилар. Қабр эгалари азобда эканлиги маълум бўлди. Шунда, ҳўл новдани олиб, иққига бўлиб, уларнинг ҳар қайсисини ҳар бир

775-778-бетларида ва 15-март, 6-сони

803-806-бетларида ҳамда 1-апрель, 7-сон, 824-832-бетларида эълон килинган.

Биз унинг охиридан (831-бетда) факат 12 сатрини кискартириб бердик.

Хамидуллох Беруний